Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 24 июнь пайшанба

Сотувда эркин нархда

№ 124 (2162)

## БУЮК ЯНГИЛАНИШДАН БУЮК КЕЛАЖАК САРИ

### Иккинчи мақола

Четдан қараган кишига Ўзбекистоннинг Истиқлолдан кейинги тараққиёт жараёни совет davридагига нисбатан осонроқ кечгандек туюлиши мумкин. Нафақат четдаги одамлар, яшириб не қилдик, гоҳида ўзимиз ҳам, Ўзбекистон энди ўзига хон, ўзига бек; хоҳласа, Оврупога юз буради, хоҳласа, Америка билан тиллашади — хуллас, борар йўлларининг барчаси очиқ, деган хаёлларга борамиз. Бир ҳисобда буларнинг ҳаммаси тўғри: Мустақиллик Ватанимиз қаршисида беҳисоб имконият эшикларини очди, қайси бирини айтасиз.

Лекин шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, Истиқлол зиммамизга бениҳоя юксак масъулият ҳам юклади. Ҳамонки биз шу муборак заминимизнинг, шаънимиз, ғуруримиз ва эркимизнинг эгаси эканмиз, уларга чинакамига эгалик қилишни ҳам билмоғимиз зарур. Эгалик қилиш эса, масъулият деганидир. Бордию энди ана шу масъулиятни унутсак, бепарволик ва лоқайдликка берилсак бас, минг машаққат билан эришган мулкимизга яна бошқалар — биздан кўра ҳушёррoқ ва огоҳроқ бўлган кимсалар эгалик қила бошлайди. Шу боис айтадиларки, бир нарсага эришишдан кўра, уни сақлаб қолиш қийинроқ. Президентимиз бу ҳақда кўп ва хўп гапирган. ***"Агар ҳушёр бўлмасак, —*** деган эди Юртбошимиз, ***— ўзимизни, бу муқаддас заминни, келажак авлод манфаатларини ҳимоя қилмасак, бизни ҳеч ким кечирмайди".***

Шу жиҳатдан қараганда, тараққиётимизнинг Истиқлолдан кейинги даври ўта мураккаб. Улкан империя ҳалокатга учрагани билан ундан мерос қолган кўпдан-кўп муаммолар ҳали йўлимизда ғов бўлиб турар эди. Энг ёмони — бундай асоратлардан, яъни коммунизмдек маккор мафкура ниқоби остидаги ёвузликдан қутулиш тажрибаси, уларни бартараф этиш лойиҳаси ҳали дунёнинг ҳеч бир ерида қўлланмаган.

Ўзбекистон, бошқа ёш мустақил мамлакатлар каби, тараққий топган мамлакатлар тимсолидаги ***"жаннат"***га интилиб ўтирмади, аввало, ўз кучига ишонди. Айни шу ишонч ифодаси ўлароқ ***"Ўзбекистон — келажаги буюк давлат"***, деган ғоя пайдо бўлди. Давлатимиз раҳбари бу ғояни ҳар жиҳатдан асослаб берди: ***"Ўзбекистон — буюк давлат, деб таъкидламоқ учун барча асослар бор. Республикада ҳамма нарса: табиий бойликлар, унумдор ер, иқтисодий ва илмий техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими, бу диёрда меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди".***

Шу ўринда Президентимиз камтарлик юзасидан тилга олмай ўтган яна бир муҳим омил — буюк келажак сари боришнинг тарихий ва мантиқий шарти ҳақида ҳам таъкидлаб ўтмоқ зарур деб ҳисоблаймиз. Халқни буюк мақсадлар томон бошлаш учун булардан ташқари, бу мамлакатнинг муносиб раҳбари ҳам бор эди. Унинг сабр-матонати, билим ва тажрибаси, теран тафаккури туфайли мамлакатимиз энг мушкул онларда ҳам асосий мақсадидан — мустақил давлатчилик йўлидан қайтмади, аксинча, буюк келажакни кўзлаб, босқичма-босқич олға интилаверди.

Ҳар қандай мамлакатда ҳам ҳокимият тепасига келган раҳбар учун ***биринчи "бош оғриқ"***, аввало, халқни тинчитиш — мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш бўлади. Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларининг аксариятини мана шу масала қийнар эди. Ўзбекистонда эса истиқлол йиллари арафасидаёқ умумий ҳамжиҳатликка эришилган, эндиликда эса туб ислоҳотларни амалга ошириш орқали миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш, халқнинг турмуш даражасини, тафаккури ва маънавиятини юксалтириш, миллатни ўзлигига қайтариш, уни аста-секин бозор муносабатлари муҳитига мослаштириш каби муҳим масалалар турар эди. Бошқа ёш мустақил давлатлар бор кучини ижтимоий барқарорликни йўлга қўйишга сарфлаб турган кезларда Ўзбекистон яна сиёсатдан кўра кўпроқ иқтисодиёт билан шуғулланди ва Ҳамдўстлик давлатлари ичида биринчилардан бўлиб иқтисодий инқироздан халос бўла бошлади. Мамлакатимизда қисқа муддатда бир талай улкан саноат корхоналарининг пайдо бўлиши, хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кенг тус олиши мана шундай афзаллик натижаси эди.

Ислом Каримовнинг мустақил давлатчилик сиёсати моҳиятига теранроқ назар солган одам унда икки тамойил — ***халоскорлик ва бунёдкорлик***нинг мудом ёнма-ён тадрижда давом этганини кўриши шубҳасиз. Аввал-бошда иқтисодиётни, маънавиятни, қўйингки, бутун турмушни сиёсат ва мафкура тазйиқидан халос этиш, миллатни мустамлакачилик зуғимидан, юртни босқинчилик азобидан қутқариш, кейинча халқ онгини, жамиятни мустабид тузум асоратларидан холи этиш — буларнинг барчаси ана шу халоскорликнинг мазмун-моҳиятини белгилар эди. Айнан шу халоскорликнинг ўзи бунёдкорликни ҳам тақозо этар, яъни ҳар бир рад этилган нарса ўрнида ниманидир барпо этиш ёки эскисига янгича, туб миллий манфаатлар асосида эгалик қилиш заруратга айланган эди. Бундан ўзгача йўл тутилса, аниқки, ҳаёт мароми бузилар, турмуш издан чиқар, халоскорлик ақл бовар қилмайдиган бузғунчиликка айланиб кетиши мумкин эди. Бунга собиқ Иттифоқ ҳудудида мисоллар сероб. Пухта ўйланмаган "демократик халоскорлик" ёки "диний халоскорлик" оқибатида ёш мустақил давлатларнинг қанчасида қонлар тўкилмади дейсиз?

Ислом Каримов халоскорлик ва бунёдкорлик ўртасидаги мувозанатни топа билди ва меъёрга амал қилди, ***"Янги уй қурмай туриб эскисини бузманг"***, дея ақл-идрокка даъват этди. Ҳолбуки, ўша пайтларда "советдан қолган сарқит", "одамларнинг қони эвазига қурилган", деб ҳамма нарсани вайрон этиш кимлар учундир ғоятда мантиқли бўлиб туюлар эди. Биргина мисол. Совет даврида яратилган адабиёт ва санъат асарлари энди бир чақага ҳам арзимайди, ҳаммасидан воз кечмоқ лозим, деган даъволарни эсланг. Энди тобора аён бўлиб бормоқдаки, миямиздаги коммунистик мафкура асоратларидан халос бўлмоқ учун кечаги тарихимизни ўтда ёқишнинг ҳеч бир ҳожати йўқ экан. Аксинча, бугунги кунларнинг қадрига етиш учун ўша тарихни ҳам пухта билишимиз зарур экан.

Албатта, бунёдкорлик дегани фақат юртни моддий жиҳатдан обод этишдан иборат эмас. Янги тафаккур асосларини, янги миллий мафкурани яратиш, жамиятнинг ҳуқуқий негизини янгилаш, миллий қадриятларимизни умумбашарий қадриятларга мослаб тараққий эттириш — хуллас, неки янги ҳаёт, эркин ва ҳур жамият белгиси, тараққиёт аломати сифатида турмуш тарзимизга сингиб бораётган бўлса, барчаси бунёдкорликдан далолат. Бинобарин, жамиятимиз ривожлангани сари халоскорлик тамойили сусайиб, бунёдкорлик тамойили кучайиб бораверади. Зеро, Президентимиз таъкидлаётган эркин фуқаролик жамиятида шахс ўзини ўзи бошқаради, ўзини ёт фикрлардан ҳимоя ҳам қила олади. Унга халоскорликнинг унча ҳожати ҳам бўлмай қолади. Аммо ўтиш даврида, халқ мутелик домидан ҳали батамом қутулолмай турган пайтда давлатнинг кўмаги, давлатнинг халоскорлиги зарур. Чунки бошдан-оёқ давлатлаштирилган ва сиёсийлаштирилган мустабид тузум иллатларига фақат уюшган куч, яъни давлатнинг ўзи бас кела олиши мумкин. Шу боис бизда, ислоҳотларнинг илк босқичидаёқ, **давлат — бош ислоҳотчи,** деб эълон қилинди.

Бу — Президентимизнинг ўтиш даврида давлатнинг вазифасини ҳам, шу даврга хос муаммоларни ҳам аввалиданоқ теран англаб етганидан далолат.

Беихтиёр саволлар кетидан саволлар қалашиб келаверади. Модомики, юрт раҳбари халқини тарихнинг энг қалтис синовларидан ҳам мардона олиб ўтаётган экан, ўн йилдирки шу муқаддас Ватан қайғусида тиним билмай елиб-югураётган экан, шунча куч-қувват, ақл-идрокнинг, мислсиз ғайрат-шижоатнинг асл манбаи қаерда? Шаксизки, Президент ўз халқидан, унинг шонли тарихидан, буюк аждодларимизнинг барҳаёт руҳидан қувват олади, халқ дилидаги асрий орзулар унга сурур ва илҳом бағишлайди. ***Кўнгли тоза, ҳар нарсанинг оқибатини яхшиликка йўядиган, ҳар қандай нарсанинг ҳам, аввало, яхши жиҳатини кўрадиган, мард, танти, йўқчиликда ҳам, тўкчиликда ҳам бирдек меҳр-мурувватли, сахий, қилар ишини билиб қиладиган, билмас ишидан номус этадиган, ҳар бир қадамини ўйлаб босадиган минг бир фазилатли халқнинг раҳбари ўзига муносиб бўлиши керак. Мана, ўн йилдирки, шу халқнинг омонлиги, шу халқнинг фаровон турмуши, ёруғ келажаги Президент фаолиятининг асосий мазмун-моҳиятини белгилаб келмоқда.***

(Давоми 2-бетда).



## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 июнь куни Оқсарой қароргоҳида ваколат муддати тугаши муносабати билан Японияниng мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Коичи Обатани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари элчининг Ўзбекистондаги фаолиятига юқори баҳо берар экан, Ўзбекистон-Япония муносабатлари ривожида унинг муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлади.

— Ўйлайманки, бу баҳога Ўзбекистон жамоатчилиги ҳам қўшилади,— деди Ислом Каримов. — Сиз халқимизнинг бой маданияти ва қадриятларига ҳурматингиз билан кўпчиликнинг меҳрини қозонгансиз.

Президент Ислом Каримов Япония элчисининг келгусидаги фаолиятига муваффақият тилади.

К.Обата Ўзбекистон-Япония ҳамкорлиги равнақи йўлида хизмат қилиш ўзи учун шарафли вазифа бўлганини айтиб, мамлакатимизда кечирган йиллари ҳаётининг унутилмас саҳифалари орасидан жой олганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида икки давлат ўртасидаги муносабатлар ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

**(ЎзА)**

**СУРАТДА: қабул пайти.**
**А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

## КЕЛАЖАГИМИЗГА ИШОНЧЛАРИ КОМИЛ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов раҳбарлигидаги Ўткир Ҳошимов, Хуршид Дўстмуҳаммедов, Шакаржон Хўжаниёзова, Азимбой Саъдуллаевлардан иборат депутатлар гуруҳи Хоразм вилоятида бўлиб, воҳа меҳнаткашлари билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказдилар. Олий Мажлиснинг XIV сессияси якунлари ва Президентимиз Ислом Каримовнинг сессиядаги маърузаларида қайд этилган вазифалар учрашувларнинг асосий мавзу ва моҳиятига айланди.***

Айниқса, Урганч шаҳридаги «Феруз» акциядорлик жамиятидаги учрашув тикувчилар жамоаси учун унутилмас ва сермазмун бўлди. Унда сўзга чиққан Анабиби Собирова, Бибиражаб Қобулова сингари корхона фаоллари мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш, хотин-қизларни эъзозлаш йўлида олиб борилаётган беқиёс ишлар, ғамхўрликлар учун Юртбошимизга, ҳукуматимизга чуқур миннатдорчилик билдиришди. Шунингдек, улар тадбиркорликни ривожлантириш, жамоа манфаатдорлигини ошириш омиллари тўғрисида ҳам фикр билдирдилар. Айрим ёшларнинг нотўғри йўлга кириб кетишининг оқибатлари, бундай кўринишларнинг олдини олиш зарурлиги, огоҳлик фазилати ҳам улар эътиборидан четда қолмади.

Янгибозор туманидаги «Бўзқалъа» ширкат хўжалигида бўлиб ўтган учрашув иштирокчилари қишлоқ хўжалигидаги ишларни такомиллаштириш, самарадорликни ошириш, қишлоқ жойларида аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масалалари юзасидан мунозара юритдилар. Мавжуд қонунлар ижросини таъминлаш борасидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Шунингдек, «Гурлан» тўқимачилик мажмуи, Шовот маданият ва истироҳат боғи, Хива шаҳрида бўлиб ўтган учрашувларда ишчи-хизматчилар, нуроний ва ёшлар мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, эришилаётган ютуқлар, қобилият ва имкониятларни намоён қилиш, ҳар кимнинг камол топиши учун яратиб берилаётган шарт-шароитлардан мамнунликларини изҳор этишди. Давлатимизнинг буюк келажагига ишончлари комил эканликларини билдиришди.

Учрашувларда депутатлар гуруҳига вилоят ҳокими И. Бобожонов ҳамроҳлик қилди.

**Сотим АВАЗ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИДА УЧРАШУВЛАР

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Бугров раҳбарлигидаги С. Зинин, Ҳ. Жамоловлардан иборат депутатлар гуруҳи Навоий вилоятида бўлди.***

Парламент вакиллари "Қизилқумцемент" ҳиссадорлик жамияти қўшма корхонаси, "Навоий-азот" ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Навоий машинасозлик заводи" бирлашмаси меҳнат жамоалари билан учрашди. Бўлиб ўтган суҳбатлар чоғида Олий Мажлис ўн тўртинчи сессияси якунлари ва Президентимиз Ислом Каримов сессияда сўзлаган маърузаларида ўртага қўйган вазифалар ҳақида гап борди. Маърузада мустақил давлатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаётгани, иқтисодиётимизнинг ўзига хос йўналишлари, жумладан, аҳоли, айниқса, ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш вазифалари теран баён этиб берилганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида маҳалла қўмиталари раислари, оқсоқоллари, фуқаролар йиғинлари раислари, шаҳар жамоатчилик вакиллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда эса ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти ҳақида, давлатимизнинг тинчлик сиёсати, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди. Қабул қилинган қонун талабларини ҳаётга изчил татбиқ этиш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш, барча жабҳаларда ислоҳотларни жадаллаштириш зарурлиги алоҳида уқтирилди.

Тадбирларда вилоят ҳокими Ғ.Дилов қатнашди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

## ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЖИДДИЙ МУНОСАБАТ

***Вазирлар Маҳкамасида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштириш кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, кенгаш раиси Ў.Султонов бошқарди.***

Мажлисда вазирликлар ва идоралар, тадбиркорликни ривожлантириш учун масъул ташкилотлар, тижорат банклари раҳбарлари, маҳаллий бошқарув органларининг кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш масалалари билан шуғулланувчи вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган кучли қонун базаси яратилгани таъкидланди. Иқтисодиётнинг бу соҳасини давлат қўллаб-қувватламоқда. Бундан ташқари, республикамизда тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи бир неча жамғарма ишлаб турибди, мамлакатимиз тадбиркорлари ва товар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиб, уларга ёрдам берадиган ташкилотлар ишламоқда. Бироқ, шунга қарамай, хусусий секторнинг ривожланиши ҳали тегишли даражага етгани йўқ. Бу йўналишда қилинаётган ишларда уюшқоқлик ва масъулиятни кучайтириш зарур.

Республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб этишга доир кенгайтирилган вазифаларни қандай бажараётгани ҳақида палата раиси М.Собиров маъруза қилди.

Республика ва вилоят палаталарининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, айниқса, хорижий инвестицияларни жалб этишга доир фаолиятни ташкил этиш учун зарур шарт-шароит яратиш, ҳам ички бозорда, ҳам яқин ва олис хориж мамлакатлари бозорларида маркетинг тадқиқотларини ўтказишда ёрдам бериш юзасидан барча имкониятлардан фойдалангани таъкидлаб ўтилди. Тадбиркорларни ахборот ва маслаҳат билан қўллаб-қувватловчи марказларни ташкил этишни ниҳоясига етказиш зарурлиги, айни пайтда бу марказларда ишлаш учун малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш лозимлиги ҳам айтилди.

Мажлисда тижорат банклари кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун халқаро молия ташкилотлари томонидан ажратилган кредитларни қандай ўзлаштираётганига алоҳида эътибор берилди. Мажлис иштирокчилари "Асака" банки мисолида тижорат банклари инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан, бир хил тусдаги лойиҳаларни хорижий кредит линиялари маблағи ҳисобидан амалга оширишга қандай ёндашаётганлари, банкларнинг тушаётган аризаларга талабларини кўриб чиқдилар. Банкларда инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқиш муддатлари чўзилиб кетиши сабаблари таҳлил қилинди. Бюджетга қарашли бўлмаган жамғармаларнинг кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга ажратилган маблағларини тижорат банклари томонидан ўзлаштириш суръатларини тезлаштириш зарурлиги ҳам айтилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.Чжен ва Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г.Саидова иштирок этди.

**(ЎзА)**

## ЮКСАК БАҲО ЯНГИ МАРРАЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА

Бухоро вилояти фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Президентимиз Ислом Каримов вилоят ғаллакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Табрикни вилоят ҳокими С.Ҳусенов ўқиб эшиттирди.

Сўзга чиққанлар Юртбошимизнинг табригида ҳамда мамлакатимиз раҳбарининг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига сафарлари чоғидаги учрашувларда қишлоқ хўжалиги, айниқса, ғаллачиликни изчил ривожлантириш, ҳар бир минтақанинг тупроқ иқлим шароитига мос навларни танлаш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш зарурлигига эътибор қаратилганини таъкидладилар.

Шунингдек, йиғилишда ҳали ўрилмаган қарийб 40 фоиз майдондаги ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, узоғи билан 1 июлга қадар жамоа ва фермер хўжаликларида, шахсий томорқалардаги донни сифатли ўриб олиш юзасидан тадбирлар белгилаб олинди.

**ЎзА мухбири.**

Халқ сўзи — ҳақ сўз

## ДУОЙИНГИЗ ИЖОБАТ БЎЛСИН

***Шу кунларда республикамиз Олий Мажлисининг депутатлари гуруҳлари мамлакатимиз парламентининг XIV сессиясида Президентимиз қилган дастурий маърузанинг ҳамда сессияда қабул қилинган янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини халққа етказиш мақсадида вилоятлар ва туманларга йўл олиб, жойларда очиқ мулоқотлар ўтказмоқдалар.***

Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Акмал Қосимов бошчилигидаги депутатларнинг бир гуруҳи яқинда Фарғона водийсига ташриф этиб, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари аҳолиси билан юзма-юз учрашувлар ўтказдилар. Гуруҳ таркибида халқимизнинг севикли адиблари Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Иброҳим Ғафуров ва бошқа яна бир неча депутатлар бор эди.

Депутатлар туманлар, шаҳарлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, ширкат, деҳқон, фермер хўжаликлари, академик лицейларнинг ўқитувчилари ва ўқувчилари, вилоят нуронийлари, ёшлар, маҳаллалар аҳли билан учрашдилар. Дала шийпонлари, гузарлар, чойхона ва бозорларда аҳоли билан юзма-юз суҳбатлар бўлиб ўтди. Бу учрашувлар, суҳбатлар том маънода эл билан очиқ-ошкора мулоқот тусини олди.

Мулоқотларда, аввало, Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги тарихий маърузаси қизғин суҳбатлар мавзуига айланди. Маърузада мамлакатнинг XXI асрдаги тараққиёти билан боғлиқ ҳолда қўйилган стратегик вазифалар, ривожланишимизнинг янги минг йилликдаги устувор йўналишлари ва уларни амалга оширишга қаратилган тадбирлар юзасидан ҳам депутатлар, ҳам кенг жамоатчилик вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини айтдилар. Учрашувларда Олий Мажлис XIV сессиясида ва ундан олдинги сессияларда қабул қилинган қонунларнинг моҳияти ва уларнинг ижроси бўйича фикрлашилди.

Барча учрашувларда мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осойишталик тараққиётимизнинг гарови эканлигини, Йўлбошчимиз раҳнамолигида давлат ва халқ бир ёқадан бош чиқариб, аҳил ва якдил бўлиб яшаса ва меҳнат қилса, кўнгилдаги барча улуғ мақсадларимиз тўлиқ юзага чиқишини деярли ҳамма сўзга чиққанлар таъкидладилар. Айниқса, худди шу нуқтаи назардан, Тошкентда юз берган 16 февраль воқеалари, диний экстремизм ва фанатизмнинг нохуш оқибатлари қаттиқ қораланди. Юртбошимиз атрофида жипслашиш, ҳар қандай қабиҳ ниятларга ҳамжиҳат бўлиб зарба бериш, мустақилликни ҳимоя қилиш зарурлиги қайта-қайта тилга олинди.

(Давоми 3-бетда).

# БУЮК ЯНГИЛАНИШДАН БУЮК КЕЛАЖАК САРИ

(Бошланиши 1-бетда)

Ислом Каримов мустабид тузум даврида халқимизни марказнинг маккор сиёсатидан, мафкуравий тазйиқларидан, тухмату бўхтонларидан нақадар жасорат билан ҳимоя этган бўлса, бугунги кунда четдан куч олиб келаётган террорчилардан, умумнинг ҳаловатини бузмоққа чоғланган турли хил диний ва мафкуравий оқимлардан, халқ қонини зулукдек сўриб ётган жиноятчилардан шу қадар зўр матонат билан ҳимоя этмоқда.

Собиқ СССР даврида халқимизнинг шаънини, маънавиятини, динини қандай юксак ҳиммат билан оқлаб, халқнинг ўзига қайтарган бўлса, бугунги кунда динимизни бузиб, юртимиз мусулмонлари ичига нифоқ солмоқчи бўлаётган ғаламислардан ҳам динимиз софлигини, маънавиятимиз покизалигини шундай юксак олижаноблик билан ҳимоя этмоқда. Юртбошимиз миллий қадриятларимизни, буюк аждодларимизнинг муборак номларини, асл тарихимизни коммунистик мафкура таъсиридан нақадар жасорат билан халос этган бўлса, бугунги кунда ҳам уларни сохталаштиришга йўл қўймаслик борасида шу қадар саъй-ҳаракат қилмоқда. (Фикримизга далил сифатида ўнлаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Лекин Истиқлол даврида амалга оширилган хайрли ишларни саноққа тортишга берилиб кетсак, аниқки, биргина шунинг ўзи учун, билмадик, нечта мақола қоралашга тўғри келади? Қолаверса, бу ишни бизсиз ҳам қотирадиганлар кўп.)

Буларнинг барчаси шундан далолат берадики, Истиқлолдан сўнг Ислом Каримов фаолиятининг қамрови ва миқёси ғоят кенгайган, янги-янги маъно қатламлари билан бойиган бўлса-да, Юртбошимиз фаолиятининг бош ғояси ҳамон аввало халқнинг омонлиги, унинг тинчлиги ва тотувлиги бўлиб қолаётганидан дарак беради. Тўғри, бу бош ғоя ёнига йиллар ўтиши билан янги-янги ғоялар қўшилди. Лекин халқнинг омонлиги бош мақсад, олий мақсад бўлиб келмоқда. Сирасини айтганда, бундан кўра одилроқ, бундан кўра тўғрироқ йўлни тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Халқ осойишта бўлмаса, эл-улус хотиржам яшамаса, бу жаннатмонанд макон, унинг беҳисоб табиий бойликлари кимга татийди?

Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунлариданоқ, ҳудудлари дахлсизлиги ва умумий хавфсизлиги кафолатини ўз имкониятларидан излади. Бошқа давлатлар каби чегараларини бегона қўшин ихтиёрига бериб қўймади. Бунинг замирида ҳам ўша бош ғоянинг таъсири борлигини сезиш қийин эмас. Айнан шу боис хавфсизлик масалалари Ислом Каримов сиёсатида энг устувор йўналишлардан бири саналади. У сиёсий, ижтимоий, иқтисодий масалаларни нақадар сезгирлик ва билимдонлик билан ҳал этаётган бўлса, хавфсизлик масалаларини ҳам шу тариқа ҳал этиб келмоқда. Энг муҳим жиҳати шундаки, Президент Ўзбекистон хавфсизлигини умумминтақавий, умумсайёравий хавфсизлик билан бир бутун ҳолда тушунади. Ислом Каримовнинг хавфсизлик моделида шахснинг онги ва тафаккуридаги <u>**огоҳлик**</u> алоҳида ўрин тутади. Раҳбаримиз шу тариқа халқнинг, давлатнинг, қолаверса, бутун дунёнинг хавфсизлиги, тинчлик-осойишталиги аввало конкрет инсоннинг хатти-ҳаракатига боғлиқ эканини узлуксиз таъкидлайди. Инсон ўзлигини билса, олам ва одам ўртасидаги боғлиқликни ҳис этса, зинҳор атрофига бепарво боқмайди, нохуш ишларга қўл урмайди. Ҳамма бало лоқайдлик ва жоҳилликдан келади. Эътиборли жиҳати шундаки, донишманд ота-боболаримиз ҳам аксарият халқнинг, айниқса, ҳукмдор табақаларнинг лоқайдлиги ва жоҳиллигидан кўп нолиганлар, уларни мудом огоҳликка даъват этганлар. Ҳатто Бобур Мирзодек дунё кезган, не-не рақиблар устидан тенгсиз ғалаба қозонган зукко ҳукмдор ҳам бир пайтлар ўзининг ғофиллигидан нолиб бундай деб ёзган:

***<u>Масту бехудлиғ била</u>***
***<u>умрингни ўткардинг дариғ,</u>***
***<u>Эй кўнгул, мундин бери</u>***
***<u>бўл бир нима хушёрроқ.</u>***

Президентимизнинг хавфсизлик концепцияси ана шу тарихий хатолардан тегишли хулосалар чиқаришга ва ҳамиша огоҳ бўлишга ундайди.

Дурустроқ ўйлаб кўрсак, мамлакатимизда юксак маънавиятли, маърифатли, ўз ҳақ-ҳуқуқини пухта биладиган авлодни вояга етказиш борасидаги ишлар ҳам бир жиҳатдан шу масалага - <u>***огоҳлик тарбиясига***</u> бориб боғланиши маълум бўлади. Зотан, сир эмаски, юксак маънавиятли инсоннинг яшаш тарзи огоҳликка асосланади.

Модомики,мақсад ягона - буюк давлат барпо этиш экан, шу мақсад сари интилишларнинг барчаси мантиқан бир-бири билан боғланиб кетиши табиий. Масалан, Президентимиз фармони билан яқиндагина ташкил этилган Тошкент Ислом университетини олинг. Бундай қараганда, унинг ташкил этилиши фақат маърифат билан боғлиқдек. Тўғри, унинг ташкил этишдан кўзланган мақсад, биринчи галда, халқимизни ислом дини борасида маърифатли этиш, айни шу масаладаги жоҳилликка барҳам бериш. Бинобарин, бу университетнинг ташкил этилиши хавфсизлик аҳамиятига ҳам, сиёсий-ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Негаки, исломдан мукаммал бохабар бўлган халқ вакиллари дин ниқоби остидаги ҳар хил жоҳил тўдалар ортидан зинҳор эргашмайди. Аксинча, вақтида уларнинг адабини беради. Демак, маърифатнинг, маънавиятнинг юксалиши ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг янада мустаҳкамланишидан далолат экан.Демак, хавфсизликни, тинчлик-тотувликни фақат қўшин кучи билан мустаҳкамлаб бўлмайди, бунинг учун маънавиятни, маърифатни ҳам кучайтириш лозим экан. Президентимизнинг бу масалаларнинг барчасига бир бутун ҳолда ёндашиб, ҳаммасига муҳим эътибор бераётгани бежиз эмас экан.

Аслини олганда, эндигина оёққа тураётган, ўзлигини таниётган мамлакатда биронта оддий ёки иккинчи даражали масала йўқ. Барчаси муҳим, барчасига давлат миқёсидаги эътибор лозим. Президентнинг етук сиёсатчи экани мана шу жиҳатдан ҳам ёрқин намоён бўлмоқда.

Тасаввур этинг, мамлакатимизда кейинги бир-икки йилнинг ўзида жамият ҳаётининг турли соҳаларига оид қанчадан-қанча тадбирлар, дастурлар ишлаб чиқилди. Таълим тизимини оласизми, ҳуқуқ соҳасини оласизми, соғлом авлод тарбиясини оласизми, тиббиёт соҳасини оласизми - барчаси давлат миқёсида тасдиқланган ва амалга оширилиши кафолатланган умумий дастурларга эга. Буларнинг ҳаммаси ўтиш даврида давлатнинг бош ислоҳотчилик роли чиндан ҳам, ниҳоятда зарур эканини кўрсатади.

Президентнинг Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлаган маърузасини эсланг. Унда илгари сурилган ғоялар Ватанимизнинг йигирма биринчи асрдаги фикр, тафаккур мусобақасига пухта тайёргарлик кўраётганидан далолат беради.

Ўзбекистон собиқ СССР даврида қизил империянинг қолоқлик домига ботган (аҳолисининг тенг ярми қашшоқ бўлган республикани илғор деб бўлмайди ахир) хомашё базаси эди. Демак, уни тўлақонли республика деб ҳам бўлмас эди. Бу мавҳум тузилманинг инсоний қиёфаси, халқининг ўзлиги ундан ҳам мавҳумроқ ибора - “Совет Ўзбекистони” деган атама билан ифода этилар эди. Аслида бу ном халқимиз пешонасига битилган мустамлакачилик тамғаси эди.

Бугун Ўзбекистон ўз номига, ўз шаънига, ўз эрки ва саодатига эга бўлди. Унинг сиёсий-ижтимоий қиёфаси аниқ: дунёнинг қайси бурчагидан келган одамни тўхтатиб сўраманг, Ўзбекистон қандай давлат эканини айтиб беради.

Бундан ўн йил бурун бутифос ҳиди анқиган далаларга бугун бир бориб қаранг, олтиндек товланган буғдойзорларни, ям-яшил пахтазорларни, янгича қиёфа касб этган, газ, сув бориб обод бўлган қишлоқларни кўрасиз. Ахлатхонаю омборхоналарга айлантирилган (энди эслашга ҳам уяласиз) азиз авлиёларимизнинг мақбараларини - Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Имом ат-Термизий каби алломаларимизнинг муборак қадамжоларининг бугунги ҳолатини эсланг. Болалар, аёллар саломатлиги, демакки, миллатнинг наслини асраш борасида қилинаётган хайрли ишларни ёдга олинг. Катта-катта шаҳарларимизнинг кўрки ва нуфузи ортиб бораётгани, мамлакатимиз пойтахти бугунги тараққиётнинг муҳим бекатларидан бирига айланаётганини айтинг!

Энг муҳими - одамлар онгидаги ўзгариш. Истиқлол ўз ғоялари, мафкураси ва аниқ натижалари билан халқ тафаккурига сингиб кетди, Мустақиллик нишоналари, мустақил турмуш белгилари одамлар хотирасидан мустаҳкам жой олди. Оддий кишиларнинг суҳбатига эътибор қилиб кўринг, шахсий ҳаётидаги воқеаларни Истиқлол тарихи билан боғлаб гапира бошлайди: “Мана бу иморатни Мустақиллик эълон қилинган йили қурган эдим”, “Мана бу машинани ўз пулимиз энди чиққан пайтда олганман” ва ҳоказо.

Буларнинг барчаси Истиқлолнинг бугун биз кўриб турган меваларидир.

* * *

Ватанимизнинг мустақиллик йилларида эришган ва эришаётган муваффақиятлари ҳақида кўп ёзилган, аминмизки, ҳали яна ёзилажак. Бугунги миллий тараққиётимизнинг барча устувор йўналишларини бир-бир таҳлил этиш ва уларнинг ҳар бири мисолида зарур хулосалар чиқариш, табиийки, давомли ва қийин иш. Биз мамлакатимизнинг кейинги ўн йиллик тараққиёт тарихига умумий бир назар ташладик, холос. Агар мана шу кузатишларимизнинг мантиқий якуни ўлароқ чиқарган энг муҳим хулосамизни сўрасалар айтар эдик: муносиб раҳбари бор эл сира хор бўлмас экан, ҳар қандай синовлардан ҳам мардона ўтиб, кўзлаган мақсадига эришар экан. Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт тарихи - бунинг ёрқин далили.

**Муртазо ҚАРШИБОЙ**

# ИЖТИМОИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Сурхондарё вилояти ҳокимлигида ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг яқинда вилоятга қилган сафари чоғида билдирган фикр-мулоҳазалари, йўл-йўриқларини ҳаётга изчил татбиқ этиш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Республика Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов олиб борди.

Сўзга чиққанлар вилоятда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, жумладан таълим ва соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини такомиллаштиришда, маънавий ва маърифий соҳаларда, хотин-қизлар турмушини енгиллаштириш, уларни жамият ишларига фаол жалб этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилганини қайд этдилар. Шу билан бирга бу борада ҳали талайгина камчилик ва нуқсонлар мавжудлигига, аҳолини, айниқса ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашда сусткашликка йўл қуйилаётганлигига жиддий эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, таълим-тарбияда, одамлар онгида ҳеч қачон бўшлиқ бўлиши мумкин эмас. Акс ҳолда бу бўшлиқни ақидапарастлик ва турли диний экстремистик оқимлар эгаллай бошлайди.

Вилоят умумий ўрта таълим мактабларида бирталай нуқсонларга йўл қўйилган. 774 та мактабнинг 596 тасида ўқиш икки сменада олиб борилмоқда. Мактаб ўқитувчиларининг 61 фоизи олий маълумотли, холос. 1 минг 300 дан ортиқ ўқитувчи етишмайди. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши суст олиб борилмоқда. Қурилишларни молиялаштириш ва ажратилган маблағни ўзлаштириш талаб даражасида эмас.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастури тўлиқ бажарилмаяпти. Қишлоқ врачлик пунктларида жиҳозлар, асбоб-ускуналар, малакали мутахассислар етишмайди. Шифохоналарни етарли даражада дори-дармон билан таъминлашни ташкил этиш, кадрлар тайёрлаш муаммолари мавжуд. Пулли шифохоналар хизматидан мижозлар ҳамиша ҳам мамнун бўлмаяпти.

Йиғилишда ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг бошқа долзарб масалалари ҳам муҳокама қилинди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т.Алимов, Н.Жўраев иштирок этди.

**ЎзА мухбири.**

# ИСТИҚЛОЛ СОВҒАСИ

Жиззахликлар Мустақиллик байрами арафасида ажойиб совға олишади. Яқинда шаҳар марказида янги спорт мажмуаси эшиклари очилади. Мажмуада халқаро мезонларга жавоб бераоладиган гимнастика зали, 6 та теннис корти, мини-футбол учун майдон жойлашган. Бундан ташқари спорт ихлосмандлари, ўриндиқлар ва югуриш йўлакларининг чиройли ва бежиримлигидан ҳам ҳайратга тушишлари, табиий.



**СУРАТЛАРДА: бўлажак спорт мажмуасида пайвандлаш ишлари кетмоқда; мажмуа қурилиш майдонида; қурилиш бригадаси аъзоси Ўткир Абралов.**

**Б. ТЎРАЕВ олган суратлар.**

# САМАРАЛИ МЕҲНАТ УЧУН МУКОФОТ

“Қорақалпоқтранс” давлат ҳиссадорлик бирлашмаси таркибидаги 23 та корхона жамоалари бозор муносабатларига ўтиш даври талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритиб, йил бошидан буён юк ташиш, йўловчилар қатнови режаларини ортиғи билан бажарди. Мавжуд 758 та автобуснинг ҳар биридан ўртача 670 минг сўм фойда олинди. Дебиторлик қарзларини узиш, ёнилғи ва мойлаш материалларини тежашда ҳам дуруст натижа қўлга киритилди. Ҳиссадорлар акцияларига дивидент бериш бир ярим ҳисса ортди. Шу боис бирлашма “Ўзавтотранс” корпорацияси жамоалари орасида ўтказилган мусобақанинг биринчи чорак якунларига кўра ғолиб деб топилиб, пул мукофоти ва диплом билан тақдирланди.

**А. ИСКАНДАРОВ, ЎзА мухбири**

# ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Фарғоналик журналистлар билан вилоят ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ўртасида амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш диққат марказида тутиляпти. Яқинда вилоят ички ишлар бошқармасида ўтказилган учрашувга шаҳар ва туманларда ижод қилаётган газета ходимлари, телерадио журналистлари таклиф этилди.

Очиқ мулоқот тусида ўтган тадбирда вилоятдаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳамда осойишталикни таъминлашда журналистларнинг иштироки хусусида фикр юритилди. Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Аминжон Тошхўжаев, миллий хавфсизлик хизмати ходими Алишер Ғофуров ва бошқалар вилоятда уюшган жиноятчилик, диний ақидапарастлик ва турли норасмий уюшмалар фаолиятига йўл қўймаслик юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот бердилар.

Учрашув сўнгтида журналистларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарилди.

**Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

# СЕВИНЧИНИ ИЧИГА СИҒДИРОЛМАЙДИ

<u>***Қишлоқ одамидек қизиқувчан халқ бўлмаса керак. Шунинг учунми қишлоқда гап ётмайди. Кимнинг уйига ким келган, нима деган? Бари қишлоқ аҳлига ҳали меҳмон кетиб улгурмаёқ ошкор бўлади. Абдимурод Бозоровнинг даласига Президентимизнинг қадам ранжида қилиши эса кутилмаган воқеа бўлди. Ҳаммасидан ҳам Президентнинг саволлари, сўраб-суриштиришлари, қизиққан масалалари бир зумда қишлоққа тарқаб кетди.***</u>

— Бултур ғалланинг ҳар гектаридан 50 центнердан, бу йил эса 42 центнердан ҳосил олганимни айтганимдан кейин, — дейди Абдимурод Бозоров, — Президент нега орқага чекиниш бўлди, деб сўраб қолди.

— Хўш, нима дедингиз, — саволга тутади тоқатсизлик билан ҳамқишлоқлари.

— Нима дердим, — бироз тин олиб, гапида давом этади у. — Ҳамма гап уруғ-да, дедим. Уруғнинг ёмонлигини айтдим. Ахир бу йил зангга чалинмаган ғаллазор қолмади-ку.

— Шундай дедингизми? — дейди ваҳмароқ қишлоқдошларидан бири.

— Ҳа. Шундай дейишим биланоқ Юртбошимиз «Хўш нима қилиш керак?» деди кулимсираганча кўзимга синовчан тикилиб.

— Олимларимиз касалликка чидамли, серҳосил, иқлимимизга мос нав яратишлари керак. Шундай нав йўқлиги учун ҳар йили ҳар хил нав ғалла уруғи экилаяпти. Масалан, бултур «Скифянка» навини эккандик. Бу йил «Офелия» навини экдик. Синалмаган, тупроқ шароитимизга чидайдими, йўқми, у ҳам номаълум. Эккандан кейин биласан. Ахир бу ҳолда деҳқон ютқазади-ку.

— Нима учун бу юмушни олимларнинг бўйнига қўяпсиз? — жилмайганча деди Президент, — деб сўзида давом этди, — Абдимурод Бозоров. — Шунинг учунки, — худди домласига жавоб бераётган мактаб ўқувчисидек дона-дона қилиб сўзлайди у, — ишлаб чиқаришни илм-фансиз ривожлантириб бўлмайди. Жавобимизни эшитган Президентнинг чеҳраси ёришиб кетдида, «Дурустсиз-ку» деди елкамга қоқиб. Ва, қанча ерда деҳқончилик қилишим, ундан қанча даромад олишим, бу оиламни боқишга етиш-етмаслиги билан қизиқди.

— Етади дедим, — мамнун ҳолда ҳикоя қилади Абдимурод Бозоров. — Ва, етишини исботлаб бердим. Масалан, бултур режадан ошиқча 20 тонна дон етиштиргандик. Шунинг 8 тоннасини ўзимга натура сифатида қолдиришди. Шунинг 2 тоннасини рўзғорга ишлатдим-да қолганини бозор нархида сотдим. Шундай қилиб киссага 210 минг сўм кирди. Бу бир. — У бармоғини букканча санашда давом этади. Пахтадан 42 центнердан ҳосил олдим. Шу туфайли бир йилда 560 минг сўм қўлимга тегди. Бу иккими? Айтмоқчи 35 сотих томорқам бор. Томорқамда 30 туп ток, 40 туп анор, 6 туп олма, 12 туп ёнғоқ, 3 туп бодом, 6 туп ўрик, 3 туп кўксултон, 4 туп гирдоли, 4 туп қароли, 4 туп хурмо дарахти бор. Бирон нарса сотиб олмаймиз. Аксинча сотамиз. Помидор, бодринг дегандай нарсалар ўзимиздан чиқади. Ариқ ёқасида 100 туп терак экканман. Ҳадемай ёғоч бўлади. Кейин, 2 та соғин сигирим бор. Сут, қатиқ, сариёғ дастурхондан қишу ёз узилмайди. Йилда 2 та новвосни боқиб, бозорга чиқараман. Қўйдан кўп эмас — ўнтагина.

Мундай чўтга ташласам, бир йилда киссамга миллион кираяптими йўқми? Кираяпти. Миллион сўм-а. Етади-да... Шундай деганча, — Абдимурод Бозоров, — ҳамсуҳбатларига муғомбирона кўз қисади, — ҳозирча...

Қамаши туманидаги «Чим» хўжалигининг оилавий пудратчиларидан бири Абдимурод Бозоров гурунгларида ҳамқишлоқларини ана шундай оғзига қаратиб келмоқда. Дарвоқе, унинг айтганича бор. 28,5 гектар ерда оиласи билан деҳқончилик қилади. Умр йўлдоши Роҳила опа, ўғли Бахтиёр, келини Соҳиба, қизи Сабоҳат у билан бирга. 8 фарзанди бор. Икки ўғли ўқияпти. Дилшод Тошкентдаги, Шерзод Самарқанддаги қишлоқ хўжалик институтида. Шароfат Самарқанд давлат университетини тугаллади. Назокат бу йил мактабни тугаллаб, опасидай биолог бўлмоқчи. Кенжа қизи Нафосат 4-синфда.

— Мактабда инглиз тили ўқитувчиси йўқ, — дейди Абдимурод Бозоров. — Ота-оналар кенгаши аъзоси сифатида мактабнинг ишларига аралашиб тураман. Шунинг учун биламан. Бу нарса болаларнинг тил ўрганишига халал бераяпти. Ахир болаларимиз тил билмаса, эртага нима бўлади. Биз жаҳонга чиқаяпмиз. Шу мақсадда кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлаб ётибмиз-ку.

— Президентга айтмадингизми? — деб гап ташлайди қишлоқдошларидан бири.

— Ҳой менга қара, — кўзини ола-кула қилади унга Абдимурод ака. — Президентга мамлакат аҳамиятига эга бўлган нарсалар айтилади. Майда-чуйдаларни ўзимиз ҳал қилишимиз керак.

«Чим»да ўз муаммосини ўзи ҳал қилаётган, чимликлар таъбири билан айтганда, бойиб кетаётган одамлар кўп. Масалан, Жўра Абдимуродов, Тилов Бердимуродов, Жўра Эрдонов, Дўстбўри Раҳмонов... Эҳе, улар жуда кўп.

Лекин ҳаммаси фақат меҳнат туфайли, — дейди хўжалик раиси Бекназар Хўжамуродов. — Қўша-қўша машина, уй... Ҳаммаси меҳнатдан. Қани биров ғинг дейдими? Демайди.

Маълум бўлишича, «Чим»да 1060 гектарлик пахта майдони, 185 гектар ғалла майдони 135 оилага бўлиб берилибди. Бу йил 2570 тонна дон ишлаб чиқариш, шунинг 1440 тоннасини сотиш, ҳосилдорликни 33 центнерга етказиш шартнома режасига киритилган экан.

— Режа бажарилади, — дейди раис. — Фақат ғалламизнинг зангга чалингани чатоқ бўлдида. Натижада хорижда тайёрланган дориворни ишлатишга тўғри келди. Ўзиям 1 килограмми 1 миллион сўм турар-кан. 20 килограмм олдик. Ғалладан оладиган 20 миллион сўм шунга кетди деяверинг.

— Ана шунинг учун ҳам Юртбошимизга уруғлик масаласини айтдим-да, дейди Абдимурод Бозоров.

Ҳа. Абдимурод Бозоров тўғри айтади. Деҳқон энди нафақат бугуннинг, балки эртанинг ташвиши билан ҳам яшаши керак. Чунки бозор иқтисодиёти шуни талаб қилмоқда.

— Тўғри, рўзғорда ҳамма нарса етарли, — ўйчан бир алфозда ўз-ўзига гапиргандек дейди Абдимурод Бозоров. — Лекин бу билан қаноатланиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз даромадингиз оилангизни боқишга етадими?, деб сўраяпти. Айтмоқчики, энди бундан кейин оилани боқиш муаммо бўлмай қолади. Фақат оилани боқиш, рўзғор тебратиш учунгина меҳнат қилинмайди. Аксинча, Европадагидек тўкин ҳаёт яратиш учун ишлаш талаб қилинади. Масалан, мен энди уйимда ҳаммом қурмоқчиман. Чунки раис шу йилнинг 3-чорагида хўжаликка, шу жумладан Сарбозор қишлоғига табиий газ қувури келади деяпти. Умуман яқин йилларда ишдан қайтиб душ қабул қилиш, креслода ўтириб телевизор томоша қилиш мумкин бўлади. Буни ўзимиз қиламиз. Шунинг учун ҳозир сал жон койитмаса бўлмайди. Албатта, бу осон эмас. Қийинчиликларга ҳам чидашга тўғри келади. Энди боқимандаликдан қутилиш керак. Боқиманда одам бу нарсаларни тушида кўрсин. Афсуски, ҳали ҳам шу кайфиятда юрганлар топилади. Йўқса, қачонгача пахса деворли уйларда яшаймиз, деб бир тадбиркор отилиб чиқмайдими, «ғишт заводи қураман» деб, унга туман, вилоят раҳбарлари ёрдам бермайдими денг. Беради. Бундан ким ютади. Ўзимиз. Мамлакатимизда шунга имкон яратилаяпти. Шундай бўлгач, қимирлаш, ҳаракат қилиш керак-да. Хўжаликда газлаштириш нул. Бу бизга уят эмасми?

Абдимурод Бозоров Президент билан бўлган учрашувни, суҳбатини айтиб адо қилолмайди.

— Мен ҳам олий маълумотли агрономман, кўп китоб ўқиганман, — ҳикоя қилади у. — Аммо Юртбошимиз билан бўлган учрашувдан кейин охирги пайтда ўқимай қўйганлигимни чуқур ҳис қилдим. Уялдим. Президентимиз ҳозир маданиятли, билимли, малакали кадрлар зарурлигини айтганда у кишининг нақадар ҳақ, айни пайтда жуда узоқни кўзлаб, иш олиб бораётганлигини дил-дилдан англадим. Меҳр-оқибатни ҳам, хайр-саховатни ҳам, қўйингки ҳамма нарсани Президентдан ўрганишимиз керак.

Абдимурод Бозоров Президентимиз билан учрашувдан сўнг ана шундай қатъий хулосага келди. Айни пайтда у Президент асарларини шунчалик кўз югуртириб ўқиб чиқиш эмас, балки сатрлар остига чизиб, қайдлар битиб, ўқиш, шу аснода уқиш зарурлигини ҳамқишлоқларига уқтирмоқда. Ўзи эса айнан шундай қилмоқда.

— Юртбошимизга муносиб бўлиш учун шундай қилмаса бўлмайди, — унинг азми қарори шундай. Ғаллазори ғаллазорига туташ — Анвар Чориев, Одил Мусаев, Ўктам Чориев, Илҳом Бозоров, пахта пайкали бир-бирига қўшилиб кетган Усан Мусаев, Камол Абдирашидов, Тошбой Йўллиев, Олим Очилов, Қаҳҳор Эшназаров, Ҳасан Ҳусаинов каби оилавий пудратчиларнинг эса унга ҳаваси келади. Бу яхши. Ахир ҳавас билан яшаганга не етсин. Юртимизда ҳавас қилгулик одамлар, ифтихорга арзигулик ишлар озми? Юртбошимиз айтганидек, орзу қилган давримиз келди. Шундай экан нега давримизни сурмаслигимиз керак? Тўғрими Абдимурод ака?..

**Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ҒАЛЛА ЎРИМ-ЙИҒИМИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА ЭЪТИБОР

<u>***Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Сурхондарё вилоятига сафари чоғидаги учрашувларда бу йил вилоятда ғаллачиликда жиддий хатоларга йўл қўйилганлиги, энг аввало, уруғлик танлашда адашилганлиги, натижада 107 минг 400 гектар майдоннинг 87 минг 600 гектарига экилган “Юна” навли буғдой занг касалига чалинганлигини таъкидлади.***</u>

Сурхондарё вилоят ҳокимлигида ушбу масалага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ғалла тайёрлашнинг аҳволи, буғдойнинг занг касаллигига чалиниш манбаалари ва сабаблари, унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган ишлар, маҳаллий тупроқ ва иқлим шароитига мос, касалликларга чидамли, ҳосилдор буғдой уруғи тайёрлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Ж.Норалиев олиб борди.

Сўзга чиққанлар айни кунларда вилоятда ғалла ўрим-йиғими талаб даражасида ташкил этилмагани, давлат буюртмасида белгиланган 231 минг 300 тонна доннинг эндигина 90 минг тоннаси тайёрланганини таъкидладилар. Пишиб етилган бошоқлар иссиқда қовжираб, ўрим пайтида исроф қилинмоқда. Айрим ҳолларда донни талон-тарож қилишга йўл қўйилмоқда. Ўрим-йиғим билан боғлиқ ташкилий ишларни Вазирлар Маҳкамаси қарори талаблари даражасида деб бўлмайди. Далаларда комбайнлар якка-якка тартибда ишлатилмоқда. Комбайнчиларни ва ўрим-йиғимда қатнашаётган кишиларни рағбатлантириш масалаларига ҳам етарли эътибор берилмаётир.

Ишдаги бу камчиликлар ғалла ўрим-йиғимининг чўзилиб, такрорий экинлар экиш кечикишига сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, Президентимиз вилоятда бўлганлари чоғида ўрим-йиғимни тез якунлаш, дон учун маккажўхори ва бошқа озуқа экинларини ўз вақтида экиб олиш тўғрисида аниқ кўрсатмалар берган эдилар. Шунга қарамай, Шеробод туманида ғалла майдонларининг эндигина ярми ўриб олинган. Қизириқ туманида 3 минг гектар ернинг ғалласи комбайнларни кутиб турибди. Бундай ачинарли ҳолни вилоятнинг бошқа туманларида ҳам кузатиш мумкин.

Буғдойнинг занг касалига чалиниши табиатда аҳён-аҳёнда учрайдиган объектив ҳолат бўлсада, унинг бу йилги шароитда келиб чиқишида раҳбарларнинг, олимларнинг ҳам айби йўқ эмас. Бунинг асосий сабаби катта-катта майдонларга касалликларга чидамсиз, маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мос бўлмаган буғдой нави экилгани бўлса, иккинчидан, Сурхондарё шароитида сентябрь ва октябрь ойларида кузги ғалла экиб бўлинсин, деган жадвалга амал қилинганидир.

Ўз далаларида буғдойнинг “Половчанка”, “Купова” каби навларини экиб синаб кўраётган ва гектаридан 50-55 центнердан ҳосил олиш билан бирга хўжаликларга элита уруғлик дони етиштириб бераётган Денов туманидаги Собир Раҳимов номли хўжалик раиси Иброҳим Файзуллаев йиғилишда шундай деди:

— Сурхондарё тупроқ-иқлим шароитида октябрь ойининг охиридан ноябрь ойининг 20 ларига қадар экилган буғдой мўл ҳосил беради, касалликларга кам чалинади. Бизда ғалла қишламайди, чунки қиш илиқ бўлади. Яна бир муҳим масала, тупроқ-иқлим шароитимизга мос уруғлик буғдой ўзимизда тайёрланса, нур устига аъло нур бўларди. Хўжалигимиз бу йил шундай уруғликдан 2 минг тоннасини тайёрлаб беради.

Тажрибали хўжалик раҳбарининг бундай фикрини йиғилиш қатнашчилари маъқуллаб, ҳосилдор, касалликларга чидамли уруғлик буғдойни вилоятнинг ўзида ёки тупроқ-иқлим шароити мосроқ бўлган вилоятларнинг бирида етиштириш зарурлигини таъкидладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Б.Олимжонов сўзга чиқди.

**Чори ТЎХТАЕВ, ЎзА мухбири**

## ОРОМГОХ БАҒРИДА



*Бўстонлиқдаги «Автомобилчи» болалар дам олиш оромгоҳи аллақачон ўз фаолиятини бошлаб юборди. 300 ўринлиқ бу оромгоҳ 3 мавсум давомида тўлиқ ишлайди.*

*Бу ерда дам олувчилар учун ҳамма нарса муҳайё: кутубхона, маънавият маркази, спорт мажмуи, сузиш ҳавзалари ҳар доим кичкинтойлар хизматида. Болалар бу ерда ҳозир 8 гуруҳга бўлиниб, дам олишмоқда, саёҳатлар уюштирмоқдалар.*





**СУРАТЛАРДА: тарбиячи Карина Мирзаянц болалар даврасида; кутубхоначи Бахтихон Иброҳимованинг жажжи китобхон дўстлари кўп; иссиқ кунда чўмилиш — танга роҳат.**

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# ВАТАН БАЙРОҒИНИ ЎПГАНЛАР

Она юрт... Замини зар, суви гавҳар, танҳо Ватан. Унга қанча таърифу тавсиф берманг, барибир камдек туюлаверади. Инчунин, Ватан инсонда она каби ягонадир, уни таърифлашга тил ожиз, уни юракдан ҳис қилмоқ лозим. Ватанга муносиб фарзанд бўлиш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Бугунги Ўзбекистон жангчисининг ватанпарварлиги, энг аввало, она юртига, халқига садоқатлилигини, ўзининг ҳалол хизмати билан мамлакат мустақиллиги учун курашга ва уни мустаҳкамлашга шай туришини тақазо этади. **"Биз шунга эришмоғимиз керакки, ҳарбий хизмат сўзда эмас, балки амалда фарзандларимизнинг, ёшларимизнинг нуфузли иши, шон-шараф иши бўлмоғи лозим"**, деб таъкидладилар Президентимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузаларида.

Ватанга, она заминга муносабат шунчаки маънавий тушунча бўлиб қолмай, аввало, унинг фаровонлиги учун фидойилик ила фаолият кўрсатиш бўлса, иккинчидан, мамлакатимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини бетиним мустаҳкамлаш, тинчлик ва халқ осойишталигини таъминлашга камарбасталикдир. Янами? Яна ўз ҳарбий мажбуриятига виждонан ёндошиш ҳамда гўзал республикамизнинг гуллабяшнаши учун ҳамма нарсани қилиш демакдир.

Мамлакатимизда жадал олиб борилаётган ислоҳотлар ҳарбий тизимларга ҳам кириб бормоқда. Хўш, армияни ислоҳ қилишнинг моҳияти нималардан иборат? Давлатимиз раҳбари парламентимизнинг сўнгги сессиясидаги нутқларида ана шу саволга ҳам атрофлича жавоб бердилар.

Ушбу **ислоҳот ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни, профессионал тайёргарлигини ва қайта тайёрлашни ташкил этишнинг бутун тизимини қайтадан кўриб чиқишни кўзда тутади**, деди жумладан Юртбошимиз. Бу жангчиларимизда Ватанга муҳаббат ва садоқатни, юксак маънавий фазилатлар ва мустаҳкам иродани тарбиялашга, профессионализмни, аъло жанговар тайёргарликни таъминлашга қаратилиши лозим.

Армия техник жиҳатдан тенгсиз куч-қудратга эга бўлиши мумкин. Бироқ, унинг асосини ташкил этувчи ҳарбийларда чинакам ватанпарварлик ҳисси, юксак билим шаклланмас экан, бундай армияни қудратли деб атай олмаймиз. Демак, бугунги Ўзбекистон ҳарбийларининг, ўзини осойишталик посбониман, деб билган барча ўғлонларнинг — Ватан байроғини ўпганларнинг асосий бурчи аждодларимиз анъаналарини муқаддас билиб, унинг давомийлиги учун масъулликдир.



— Ўзбекистонимиз хавфсизлиги учун шахсан жавобгарлик ҳиссини сезиш, ҳарбий қасамёд ва низомлар талабларига тўлиқ риоя этиш, ҳарбий-сиёсий шароитни ҳушёрлик билан баҳолаш ва ҳар қандай вақтда ўз бурчини виждонан бажариш ҳар бир фуқаро учун ҳам қарз, ҳам фарздир, — дейди Тошкент давлат университети ҳарбий кафедраси бошлиғи, полковник А.Камолов. — Ана шу мезоний тамойилларни жисмида тўлалигича мужассамлантира олган фидойи инсоннигина Ватан қўриқчиси, унинг даҳлсизлиги учун жонини ҳам тика оладиган мард ватанпарвар деб атай оламиз.

Кўпчилик ҳарбийда талаб кучли дейишади. Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Чунки бир сония назоратни, талабчанликни унутиш осойишталигини сақлаётганимиз орқамизда ХАЛҚ, ВАТАН борлигини унутиш билан баробар.

Ҳарбий мутахассислар етиштириб чиқарадиган ўқув даргоҳларининг бир бўғини ҳисобланган бизнинг кафедрамиздаги барча ишлар ҳам ана шу мезоний тамойиллардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Бу ерда ҳар йили 420 нафар заҳирадаги офицерлар тайёрланади. Уларга малакали ҳарбий педагоглар сабоқ беришади. Бизни қувонтирадиган томони, ўқув жараёни давомида ўша йигитлар қалбида ҳарбий соҳага, Ватан посбони бўлишдек шарафли касбга меҳр уйғота олганимиз боис ҳозирда уларнинг кўпчилиги ҳарбий қисмларда фаолият кўрсатишаётир.

Университетимизнинг юқори курс талабалари кафедрамизда таълим олишлари учун, аввало, алоҳида тузилган тест синовларидан ўтишлари керак. Бу ўз навбатида юксак малакали офицерлар тайёрлашга қўйиладиган талабларнинг биринчи босқичи саналади. Кейинчалик улар қайта тиббий кўрикдан ўтказилгач, машғулотларга киришилади. Унинг кун тартиби эса ҳақиқий армиядагидан деярли фарқ қилмайди.

Эрталаб бутун шахсий таркиб саф тортади, республикамиз мадҳияси куйланади. Сўнгра тантанали марш — ҳар бир бўлинма алоҳида-алоҳида ҳолда давлат тилида қўшиқ айтиб шахдам қадамлар билан минбар олдидан ўтишади...

— Ўзбекистон Республикаси ҳарбий Доктринаси, - давом этади А.Камолов, — шахсий таркибнинг таълим ва тарбия жараёнини, жанговар навбатчилик вазифаларини аниқ бажариш, қўшинларнинг жанговар шайлик даражасини ошириш, қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ҳамда уларни қўллай билиш сир-синоатларини моҳирона эгаллаш, шахсий таркибда Ўзбекистон Республикаси, ўз халқи, қасамёди ва ҳарбий бурчига садоқат руҳини, шунингдек, ўз Ватанининг тарихи ва анъаналарига чуқур ҳурмат, юксак масъулият ҳиссини шакллантиришга қаратилган.

Йўлбошчимиз таъбири билан айтганда, **бу жараён ягона мақсадни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш, демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш учун, одамларимизнинг тинч ҳаёти ва бунёдкорлик меҳнатини таъминлаш учун шарт-шароит яратиб беришни кўзлаб амалга оширилмоқда.**

Ватан ҳимояси барча замонларда ҳам белида белбоғи бор эрлар, камари бор ҳарбийлар зиммасига тушган. Бугунги посбонларимиз ҳам ўз бурчларини мардона ўтаб, қаддарини алиф янглиғ тутиб ҳар қандай вазиятда кўксиларини қалқон қилишларига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Зеро, улар Ватан байроғини ўпганлар. Нафақат улар, ЮРТ ҳимояси — шу заминда яшаётган, шу ҳаводан нафас олаётган барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Озод РАЖАБОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**


# "ШОШ-ТРАНС"

## ЁАЖ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Shoshtrans ИШОНЧЛИ ҲАМКОР







**ТЕМИР ЙЎЛ ВА АВТОМОБИЛЬ МАГИСТРАЛЛАРИ БЎЙЛАБ КАТТА ҲАЖМДАГИ КОНТЕЙНЕРЛАРДА ЮК ТАШИШ УШБУ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ФАОЛИЯТ ДОИРАСИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ШУНИ АЙТИШ КЕРАККИ, «ШОШ-ТРАНС» ЎЗ ВАЗИФАСИНИ ДОИМО МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРАДИ**

*Мустақил Ўзбекистон яқин ва олисдаги чет эл мамлакатлари билан ўзининг амалий алоқаларини кундан-кунга кенгайтириб, дунё иқтисодий ҳамжамиятида ўз мавқеини мустаҳкамламоқда. Мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти кенгайиб, юртимизга келаётган юклар оқими кундан-кунга ўсиб бораётганлиги фикримизнинг далилидир.*

*1994 йил июль ойида Тошкентда ташкил этилган «ШОШ-ТРАНС» ҳиссадорлик жамияти бугунги кунда ушбу жараёнда фаол қатнашиб, кўплаб қўшма корхоналар, фирмалар ва бошқа тижорат тизимларининг ишончли ҳамкорига айланди.*




*«ШОШ-ТРАНС» ҳиссадорлик жамияти катта ҳажмдаги контейнерларда темир йўллар орқали Ўрта Осиё, Қозоғистон, Россия, Ғарбий Европа, Туркия, Эрон ва бошқа мамлакатларга юк ташишда бош суғурта агенти ҳисобланади, буюртмачиларга ишончли, тез ва юқори даражали сервис хизмати кўрсатади. «ШОШ-ТРАНС» Шумилов станциясида ўз терминалига, замонавий транспорт ва зарур механизмларга эга. Булар орасида «МАЗ», «КамАЗ» ва «Даймлер-Бенц» маркали автомашиналар, «БОСС» фирмасининг ярим прицеплари, автоюклагичлари ҳам бор.*

*Ҳиссадорлик жамиятининг филиаллари Қозоғистон, Туркманистонда ва Фарғона водийсида ташкил этилган бўлиб, Бухоро-2, Термиз, Андижон ва Марғилон темир йўл станцияларида терминаллари мавжуд. Ҳиссадорлик жамиятининг фаолият доираси кундан-кунга кенгайиб бормоқда, бу ердаги иш жараёнлари бозор талаблари асосига қурилган, бу эса энг тўғри мўлжал.*

**УШБУ СУРАТЛАРДАН «ШОШ-ТРАНС» ҳиссадорлик жамияти ўз мижозларига қандай транспорт хизмати кўрсатиши, унинг иш фаолияти ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўласиз.**

**Текст ва суратлар муаллифи Валентин БАСКАКОВ.**

**"ШОШТРАНС" ЁАЖ ҚЎШМА КОРХОНАСИ БОШҚАРУВИ ЎЗ ЖАМОАСИНИ ЖАМИЯТ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 5 ЙИЛЛИК ШОДИЁНАСИ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ ВА УЛАРГА СОҒЛИҚ, БАХТ, ИШЛАРИГА РИВОЖ ТИЛАЙДИ.**

ТД@1866


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқармасининг жамоаси бош мутахассис Файзулла Абдуллаевга падари бузруквори
**ПАТХУЛЛО отанинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раҳбарияти ва Олий Мажлис Котибияти республика парламентининг собиқ масъул ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими
**Зоя Васильевна ШАРОНОВАнинг**
вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар ҳамда марҳуманинг қариндош-уруғлари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор этадилар.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси бошқаруви ва ижроия аппарати «Тошкент тажриба механика заводи» АЖ бошқаруви раиси Зикрилла Комиловга падари бузруквори
**Мурот ота КОМИЛОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Эндикринология институти маъмурияти мазкур илмгоҳ директорининг илмий маслаҳатчиси Ёлқин Тўрақуловга умр йўлдоши
**Маҳмуда МАҲКАМОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети жамоаси «Иқтисодий кибернетика» кафедрасининг мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор Турсун Шодиевга акаси
**Тотлибой ШОДИЕВнинг**
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси вазирлик юридик бошқармаси собиқ ходими, республикада хизмат кўрсатган юрист
**Нўъмон БЎРИХЎЖАЕВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси университет ходими
**Обиджон ҚОРИЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти ректорати ва жамоат ташкилотлари «Автомобиль йўллари» кафедраси лаборатия бўлими бошлиғи Ҳабибулла Исматовга отаси
**СУННАТ отанинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир ҳайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, Ў. Ҳошимов.**

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0456, 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — А. Мадатов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 22.00* 1 2 3 4 5 6